# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 10 январь, № 6 (6189) Шанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ш. К. Абдурахмановни Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Шухратбек Кушақбаевич Абдурахманов** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## С. У. Исмаиловни Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Сайфиддин Умарович Исмаилов** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Э. О. Турдимовни Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## О. Ш. Ашурматовни Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Ойбек Шодмонкулович Ашурматов** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Р. Д. Усмановни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Рахманбек Джахангирович Усманов** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Илгари хабар берилганидек, 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашган хорижлик журналист ҳамда экспертлар мазкур муҳим сиёсий жараён якунлари юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарига йўллашмоқда. Қуйида АҚШлик халқаро кузатувчиларнинг Ўзбекистонда ўтказилган парламент сайловлари хусусидаги таассуротлари билан танишишингиз мумкин.*

## «Сайловларга кўрилган тайёргарлик ҳамда уларнинг ўтказилиш даражаси алоҳида таҳсинга лойиқдир»

**Э. МАЧЕРОВСКИ, Бенедиктин Фалсафа ва ўрта асрлар илм-фанлари коллежи профессори (Канзас штати):**

— Ўзбекистонда сайловларга кўрилган тайёргарлик ва уларнинг ўтказилиш даражаси алоҳида таҳсинга лойиқдир. Айниқса, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мувофиқлаштирилгани, сайлов округлари ҳамда участкаларидаги батартиблик, шунингдек, аҳолининг сайлов жараёнидаги фаол иштироки кишида катта таассурот қолдиради.

Электоратнинг сиёсий етуклиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Сайлов участкалари очилган дастлабки соатдан бошлабоқ булар яққол сезилди.

Сайловлар якунлари ҳақида фикр билдирар эканман, улар шаффоф ва адолатли ўтганини қайд этишни истар эдим. Америка Қўшма Штатларидаги сайловларнинг кўп йиллик тажрибага эга иштирокчиси сифатида шуни тасдиқлашим мумкинки, Ўзбекистондаги сайлов жараёни ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатлари билан ажралиб турди. Ушбу сиёсий тадбир чоғида тиббий хизмат ходимларининг навбатчилиги, она ва бола хоналари ташкил қилингани ва бошқалар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги сайловлар халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ўтказилганини ҳам қайд этиш жоиздир.

(Давоми 2-бетда).

12 ЯНВАРЬ — «ВАТАНГА ҚАСАМЁД» МОНУМЕНТИ ОЧИЛГАН КУН

## Юртга садоқат ифодаси



Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ҳамда техникага эга миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки чинакам шон-шараф ишига айланди.

Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаган "Ватанга қасамёд" монументи ҳам юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир. У 2010 йилнинг 12 январь куни тантанали равишда очилган эди.

Бу мажмуада халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимизнинг бетакрор тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани тасвирланган. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она бамисоли ўз қўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда.

Ушбу монумент сиймосида Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган ёшларимизнинг ҳам юксак орзу-интилишлари ўз аксини топгани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

# ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ НУРЛИ УФҚЛАРИ



*Мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири — темир йўл тизимида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг юксак эътиборини ҳис этган ҳолда, астойдил меҳнат қилаётган соҳа вакилларининг қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари, шу жумладан, рўёбга чиқарилаётган кўплаб истиқболли лойиҳалар бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, умумий узунлиги 342 километрни ташкил этувчи "Навоий — Учқудуқ — Мискин — Нукус", 223 километрлик "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл магистраллари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарлари орасида қатнаётган тезюрар поездлар — буларнинг барчаси бугун ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.*



БУНЁДКОРЛИК

Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тизимдаги бунёдкорлик ишларининг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Умумий узунлиги 123,1 километрдан иборат ушбу лойиҳага биноан, 19,1 километрлик туннель, 285 та сунъий иншоот, 22 та кўприк, 6 та йўлўтказгич, шунча темир йўл станцияси ва иккита вокзал биноси қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда бу жараён жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Биргина туннель қазиш ишларига минг нафардан ортиқ хитойлик ҳамда беш юз нафардан зиёд маҳаллий мутахассислар жалб қилингани ана шундан далолат беради.

— Ўзбекистон халқи, чин маънода, бунёдкор эканлигига биргаликдаги ҳамкорлигимиз доирасидаги тадбирлар чоғида тўлиқ амин бўлдик, — дейди Хитойнинг "Chinarailway Tonnel Groop" компанияси бош менежери Жоу Уао Конг. — Хусусан, ёшларингизнинг ғайрат-шижоати ҳайратимизни оширмоқда. Чунки улар темир йўллар мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллардан бири эканлигини чуқур англаб, туннель қурилишида бор билим ва маҳоратини намойиш этаяпти.

Таъкидлаш керакки, бу ерда бизга, аввало, давлатингиз раҳбарияти, қолаверса, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК томонидан барча шарт-шароит яратиб берилган. Қурилиш учун зарур бўлган хом ашё ва техникалар ҳам етарли.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

*Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги биз, фермерларга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиб, эртанги кунга ишончимизни янада орттирди.*

## Имтиёз, имконият, истиқбол

Табрикда ўтган йил иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда чуқур из қолдиргани таъкидланиб, "Бунинг тасдиғини... деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли, ҳақиқатан ҳам, ғурур ва ифтихорга тўлади", дейилгани кимнинг ҳам юрагини жўш урдирмайди, қалбини нурга тўлдирмайди?!

Ғалла ва пахта уруғчилигига ихтисослаштирилган фермер хўжалигимиз фаолияти кейинги йилларда мамлакатимизда соҳага қаратилаётган эътибор ва яратиб берилаётган имкониятлар туфайли тобора кенгаймоқда. Масалан, ўтган йили гектар ҳисобига 35 центнердан пахта ҳосили етиштирган бўлсак, буғдойдан бўшаган майдонга кунгабоқар уруғи экиб, 580 килограмм ёғ ишлаб чиқаришга эришдик. Бундан ташқари, давлатга 680 килограмм пилла сотиш баробарида, қарамоғимиздаги 50 бош қўй, 25 бош қорамолдан қўшимча даромад олдик. Бу турмушимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Юртбошимизнинг Янги йил табригида, шунингдек, жорий йилда кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилиши ҳам алоҳида қайд этилди. Бу мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор эканига яна бир далилдир.

**Қобилжон ҚОДИРОВ,**
**Тошлоқ туманидаги «Чўлигулистон файз-сурури» фермер хўжалиги раҳбари.**


www.xs.uz
«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг


## Жасур, мард ва фидойи

Тинчлик ва осойишталик, хотиржамлик ҳукм сурган жойда эзгу ишлар бардавом бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқатни халқимиз истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қолаверса, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар ҳар қачонгидан юксак чўққиларга кўтарилгани, осмонимиз мусаффолигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги беқиёс саъй-ҳаракатлар мисолида янада теран англаб етмоқда.



## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Ромитан туманидаги "Имиджтекстиль" масъулияти чекланган жамияти 2015 йилнинг дастлабки ҳафтасини экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бошлади.*

## Экспортбоп маҳсулот ўзлаштирилди

Айтиш керакки, ўтган йили бу ерда эни одатдагидан кенг, яъни 2,20 метрлик гулли газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Халқаро андозаларга мос бу маҳсулотга корхонанинг хорижлик буюртмачилари ҳам қизиқиш билдиришмоқда. Шундан келиб чиқиб, корхона раҳбарияти банкдан олинган 600 миллион сўмлик кредитни хом ашё захираси яратишга йўналтирди. Бу эса маҳсулот тайёрлаш ҳажмини янада кўпайтириш имконини беради. Натижада экспорт миқдори ҳам ошади.

Дарвоқе, якунланган йилда корхона салкам 600 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётини бажарди. Жорий йилда бу миқдор бир миллион АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркор ташаббуси

*Ўтган йилда Боғот туманининг 3 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 70 та тураржой ўз эгаларига тайёр ҳолда топширилди.*

Ҳудудга алоҳида файз киритган замонавий уйларнинг 8 тасини тадбиркор Улуғбек Ҳусаинов ташкил қилган "Al-Ulug trans" масъулияти чекланган жамияти жамоаси бунёд этди.

Гап шундаки, ушбу корхона ўз фаолиятини юк ташиш хизмати кўрсатишдан бошлаган эди. Дастлаб банкнинг бир миллиард 300 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан замонавий юк ташиш автомашиналари харид қилиниб, қурилиш ташкилотларига транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Эндиликда корхона бунёдкорлик ишларида ҳам фаол қатнашаяпти. Айни пайтда жамоа аъзолари 107 кишига етди. 2014 йил давомида улар томонидан турли объектларда 5 миллиард 300 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Бизнес-режа фойдаси

*Бўкалик Алишер Очилов ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлардан. У муқобил энергетика йўналишида ўз бизнесини ташкил қилди. Яъни ўсимлик қолдиқларидан экобрикет ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

Унинг ушбу лойиҳаси атроф-муҳит мусаффолигига хизмат қилиши баробарида, аҳолини нисбатан арзон ёқилғи билан ҳам таъминлаш имконини бермоқда.

— Хорижнинг шу йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналари тажрибасини интернет орқали ўрганиб, биз ҳам экобрикетлар тайёрлашни ўзлаштирдик, — дейди тадбиркор. — Маҳсулот ишлаб чиқаришда ғўзапоядан хом ашё сифатида фойдаланаяпмиз. Чунки бу ўсимликдан ажраладиган иссиқлик тафти анча юқори бўлади. Қолаверса, бизнинг ёқилғи фойдаланишга жуда қулай. Шу боис маҳсулотларимизга талаб ортиб бормоқда.

Айтиш жоизки, Алишер Очилов саъй-ҳаракати билан 20 та иш ўрни яратилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Экологик тоза, дармондориларга бой

*Боёвут туманидаги "Боёвут макс профит" масъулияти чекланган жамиятининг "Декпа" русумли ун тегирмони иш жараёнида пайдо бўладиган чанг ва бошқа чиқитларни ютиб, махсус қопларга жойлаштирувчи мосламаларга эга.*

Шунингдек, буғдойни ювиш, тозалаш ишлари ҳам бир неча босқичда бажарилади. Ушбу илғор технология шарофати билан тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми юқори навни ташкил этмоқда. Айни чоғда бу ерда кунига 90 тонна буғдой қайта ишланаётир.

Эътиборли жиҳати, ун таркиби белгиланган барча маъданли дармондорилар билан бойитилмоқда.

— Мазкур лойиҳани амалга оширишга 795 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди, — дейди жамият раҳбари Акмал Абдуллаев. — Натижада 48 та иш ўрни яратишга эришдик. Келгусида корхонамизнинг иккинчи навбатини ҳамда озуқа тайёрлаш цехини ишга тушириш ниятидамиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Юртга садоқат ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Бу бетакрор мажмуани бир кўрган одам, ўйлайманки, юраги жизиллаб, унинг маъносини тушуниб, англаб, бу ҳайкални авваламбор Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган бадиий обида сифатида қабул қилади", деган эди Юртбошимиз монументнинг очилишига бағишланган маросимда.

Дарҳақиқат, ёш авлодни миллий ғоя руҳида, фидойи ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қилаётган ушбу бетакрор мажмуа бугун ҳаракатдаги энг эъзозли масканлардан бирига айланган.

— Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари учун маънавият дарсларини "Ватанга қасамёд" монументи олдида очиқ мулоқот тарзида ташкил этиш яхши анъанага айланган, — дейди подполковник Соҳибжон Фаттоев. — Бу бўлажак офицерлар қалбида ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Ҳар доим мана шу монумент пойига келганимизда, эл-юртимиз олдидаги бурчимизни янада теранроқ ҳис этамиз, — дейди курсант Санжар Саъдуллаев. — Мақсадим, билим юртини тамомлаб, Ватанимиз сарҳадларини асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Шу орқали халқимиз, Президентимизга содиқлик қасамёдини оқлаймиз.

Дунёқараши кенг, жисмонан етук, ақлу заковатда ҳеч кимдан кам бўлмаган бугунги авлод вакилларининг бундай азму шижоати, нияти ҳар биримизга чексиз ғурур бағишлайди, албатта.

Бинобарин, ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунни ифода этган ушбу улуғвор монумент шу заминда вояга етган, унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар қайси инсонни тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, мусаффо осмонимизни асраб-авайлаш, шаҳару қишлоқларимизни янада обод қилиш йўлида фидойилик кўрсатишга ундайверади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# «Сайловларга кўрилган тайёргарлик ҳамда уларнинг ўтказилиш даражаси алоҳида таҳсинга лойиқдир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**П. МОРВИЖ, "Глобал илмий тўпламлар" нашрлари маркази директори, Нью-Йорк давлат университети профессори:**

— 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда қатнашган халқаро экспертларнинг аксарияти овоз бериш шаффоф сайловларнинг юксак меъёрларига мос равишда ўтганини таъкидлашди. Бу универсал мезонларга қўшимча тарзда қатор қулайликлар ҳам яратилдики, улар Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Маҳалла — ана шундай қадриятлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ядроси бўлган маҳалла институти Марказий сайлов комиссияси ва сайловчилар ўртасида кўприк вазифасини бажарди, дейиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон мустақиллигининг тарихан қисқа даври мобайнида эришган улкан муваффақиятларни жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намойиш қилди.

**М. ЭДЕЛЬШТЕЙН, Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, Рамапо коллежи профессори (Нью-Жерси штати):**

— Мен Самарқанд вилоятида жойлашган бир нечта сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатдим. Бу ерда сайловчилар учун барча шарт-шароит яратилган, шаффофлик ва очиқлик муҳити таъминланган. Умуман олганда, менинг кузатишларим сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши юқори баҳога сазовор эканлигини тасдиқлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон экологик ҳаракатига Қонунчилик палатасидаги 150 та ўриннинг 10 фоизи миқдоридаги квотанинг ажратилиши Ўзбекистон раҳбариятининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига қай даражада жиддий ёндашаётганини кўрсатади.

Бўлиб ўтган очиқ сайловлар жараёнини кузатганим баробарида, бугунги Ўзбекистон ҳаётида юз бераётган кўпгина ўзгаришлар билан ҳам яқиндан танишдим. Мамлакатингиз ўз салоҳиятини юксалтириш йўлида жуда катта қадамлар ташламоқда. Парламент сайловлари чоғида амин бўлганимдек, Ўзбекистон демократик жамият қуриш борасида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритган.

**«Жаҳон» АА.**
Нью-Йорк

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



# ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ НУРЛИ УФҚЛАРИ

Туннелнинг Ангрен тарафидаги қисмида 2 та пармалаш ускунаси узлуксиз ишлаб турган бўлса, ер ости йўлини бетонлаш ва мустаҳкамлашда мавжуд техникалардан самарали фойдаланилмоқда. Натижада ҳозирги кунгача ҳар икки томондан 7,3 километр узунликдаги туннелни қазишга муваффақ бўлдик. Ўтган йил охирида эса пўлат излар туннелга келтирилганлигини инобатга олсак, темир йўлнинг белгиланган муддат — 2016 йилгача битказилиши янада ойдинлашади. Чунки эндиликда барча зарур жиҳозлар янги темир йўл орқали ташилмоқда.

Дарҳақиқат, денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган "Қамчиқ" довонида қурилаётган улкан темир йўл линияси инсон тафаккури ва кучи нечоғли беқиёс эканлигини яна бир карра исботламоқда. Мислсиз бунёдкорлик ишларида 3 минг нафардан ортиқ тажрибали қурувчилар ва мутахассислар меҳнат қилаётир. Улар томонидан шу кунга қадар 600 га яқин замонавий техникалар ёрдамида 86 километрлик пўлат излар ётқизилди.

Лойиҳага мувофиқ, шунингдек, бунёдкорларимиз жами 43 миллион кубметр тупроқ ҳамда 16,3 миллион кубметр бурғилаш-портлатиш ишларини амалга оширишни мўлжалламоқдалар.

Тошкент ва Наманган вилоятлари чегарасида, Ангрен дарёси бўйида эса "Орзу" деб номланган мўъжазгина вокзал биноси қад ростлаяпти. Бир йўла 100 нафар йўловчини қабул қилиш имконига эга ушбу масканда кенг ва ёруғ кутиш зали, оналар ва болалар учун мўлжалланган махсус хоналар, тиббиёт пунктлари барпо этилади. Мутахассисларнинг фикрича, вокзал йўловчиларга бетакрор ва фусункор табиати билан завқ-шавқ бағишлаши баробарида, уларни ана шундай қулайликлардан ҳам баҳраманд этади.



Ўзингиз ўйланг, мустабид тизим даврида "Тошкент билан Фарғона водийси вилоятларига довондан темир йўл орқали ўтиш мумкин", дейилса, кўпчилик буни ишонмармиди? Асло! Буни фақат афсона сифатида қабул қилиши турган гап эди. Аммо бугун — Истиқлол йилларида бунёдкор темир йўлчиларимиз афсонани ҳақиқатга айлантириб, эзгу орзуларимиз ушалишини тобора яқинлаштирмоқда. "Қамчиқ" довонидан ўтган ҳар бир йўловчи бунга гувоҳ.

— "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўли қурилиши бошланиши билан ташкилотимизнинг техника парки ҳам янгиланиб, замонавий техникалар билан тўлдирилди, — дейди 13-кўприк қурилиш отряди бош муҳандиси Константин Пеньков. — Пировардида иш унумдорлиги сезиларли даражада ортмоқда. Энг муҳими, жамоамиз аҳли Ангрен йўналишида умумий узунлиги 1500 метрлик 9 та кўприк ва бир нечта туннель кўринишидаги йўлўтказгичларни барпо этиб, 2014 йил учун белгиланган вазифани ўз вақтида уддалашга эришди.

Шу билан бирга, янги темир йўл қурилишида компания таркибидаги "1-энергомонтаж поезди" унитар корхонасининг 300 нафардан зиёд ишчи-мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунгача жамоа аъзолари томонидан 2 мингдан кўпроқ темир-бетон устунлари, 600 дан ортиқ металл "тўсин"лар ўрнатилиб, "Ангрен" ва "Кўл" станциялари оралиғидаги 17 километр масофага электр симлари тўлиқ тортиб бўлинди. Қолган станцияларда эса электрлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Бундан ташқари, туннелнинг Шарқий портали, яъни Поп томонида ҳам иш қизғин тус олган. Бу ерда "Темирйўлобод" юк ортиш ва юк тушириш маскани барпо этилиши натижасида пойтахтдан ёки бошқа ҳудудлардан водий вилоятларига ташилаётган юкларни "Поп" станциясигача олиб боришга ҳожат қолмади.

Мухтасар айтганда, "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши ниҳоясига етказилгач, йилига 30 миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларини ташиш, аниқроғи, бу юмушни бажариш муддатини икки баробар қисқартириш имконияти юзага келади. Муҳими, у мамлакатимизнинг Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Мирзо МУРОТОВ.**

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

## Қисқа сатрларда

● Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди ва шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимининг реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топширилди. Тез орада мазкур бинода ўқув маркази ҳам ишга тушади. Бу ерда вилоят саноат корхоналари ходимлари ва аҳолига фавқулодда вазиятлар рўй берганда қандай ҳаракатланишни ўргатиш бўйича ўқувлар ташкил қилинади.

**● Бухоро ирригация ва мелиорация касб-ҳунар коллежида ўқувчи-ёшларнинг Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети, Бухоро шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм офицер, сержант ва аскарлари билан учрашуви бўлиб ўтди.**

● Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Натурал жус" масъулияти чекланган жамиятининг яна бир филиали иш бошлади. Пировардида 40 дан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди. Жорий йилда бу ерда янги ишлаб чиқариш биноси қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳа амалга оширилгач, яна йигирмадан ортиқ иш ўрни очилади ҳамда маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш имконияти яратилади.

**● Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази мутахассислари томонидан аҳоли, жумладан, бир гуруҳ фахрийлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу ернинг ўзида малакали шифокорлар кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи, юрак-қон томир хасталиклари, ўпка ва нафас йўллари касалликларига чалинган ўндан ортиқ беморни жарроҳлик йўли билан даволади.**

● Андижон машинасозлик институти машинасозлик факультетининг 900 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қуриб битказилди. Мазкур иншоотнинг бунёдкорлик ишлари "Rich trade" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди. 5 миллиард 961 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бинонинг атрофи ободонлаштирилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

*Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, Президентимизнинг бу борадаги беқиёс ғамхўрлиги туфайли юртимизнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам энг замонавий таълим муассасалари, болалар спорти иншоотлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилаяпти.*

# Ибрат мактаби

Бу ислоҳотлар, ўз навбатида, таълим сифатини юксалтириб, ёшларимизнинг замонавий фан сирларини мукаммал ўрганишлари, уларни Ватанга садоқатли, буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида умумтаълим мактабларида, маҳаллалар ҳамда ҳарбий қисмларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ана шу эзгу ғояга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 2014 йилнинг 15 декабридан жорий йил 15 январига қадар таълим муассасаларида "Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги" деб эълон қилинган. Шунга мувофиқ, Мудофаа вазирлиги кўмагида ўқувчилар республикамиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда бўлиб, курсантлар ва аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишишмоқда.

Ойлик доирасида пойтахтлик ўқувчилар Қуролли Кучлар Давлат музейига саёҳатлар уюштиришди. Музей ходимлари ёшларга аждодлар жасорати, шонли анъаналар ҳақида мароқли ҳикоялардан сўзлаб беришди.

— Ушбу музейга тез-тез келиб тураман, — дейди пойтахтимиздаги 8-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Муҳаммад Обидов. — Бу ердаги қадимий қурол-аслаҳа ва совутлар, қилич ҳамда найзалар аждодларимизнинг ҳарбий салоҳиятидан ҳикоя қилади. Миллий армиямизнинг бугунги куч-қудратини акс эттирган экспонатлар эса кишида алоҳида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Ўқувчилар ўртасида ўтказилган "Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат" мавзуидаги ижодий ишлар танлови ҳам кўплаб иқтидорли, ҳарбий бўлишга иштиёқманд ёшларни аниқлаб берди. Қолаверса, мактабларда "Ватанимиз келажагини қуришга барчамиз масъулмиз", "Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз", "Ўзбек йигити — мустақиллик посбони", "Армияда хизмат — шарафлидир", "Офицерлик — мардлар касби" каби мавзуларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Республикамиздаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги ижодий гуруҳлар ўртасида эса "Мардлар кўриқлайди Ватанни!" шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар танлови ўтказилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Обод турмуш манбаи

*Бугунги кунда томорқа шунчаки рўзғор эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар етиштириладиган жой эмас, балки катта хазина манбаига айланганига ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз. Негаки, кўплаб омилкор юртдошларимиз ҳовлисидаги мўъжазгина томорқадан бир йилда 2-3 марта ҳосил олиб, миллионлаб сўм даромад топаяпти. Бунинг орқасидан эса рўзғори бут, турмуши фаровон бўлиб бормоқда.*

ИЗЛАНИШ

Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик остонасида аҳолига томорқа учун ер ажратила бошлангани фақатгина иқтисодий тадбир эмас, узоқни кўзлаб амалга оширилган доно сиёсат эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Кейинги йилларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга янада жиддий эътибор қаратилиб, тизимли ислоҳотлар олиб борилаётгани эса унинг катта куч сифатида майдонга чиқишида муҳим омил бўлди. Натижада мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, гўшт ва сут маҳсулотларида деҳқон хўжаликларининг улуши тобора ортаётир.

Сурхондарё вилоятида ҳам томорқадан мўл ҳосил етиштириб, бозорлар тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда. Бунга Сариосиё туманининг "Ёқутли боғ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси эришаётган муваффақиятлар яққол мисол бўла олади.

Туман марказидан анча олисда жойлашган ушбу маҳаллага келган киши унинг обод ва кўркам қиёфаси, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳаваси келиши турган гап. Сабаби, замонавий уй-жойлар, равон йўллар 703 та хонадон истиқомат қилаётган мазкур ҳудудга янада гўзал қиёфа бахш этаяпти.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Шоймардоновнинг айтишича, айни пайтда ҳудудда салкам 5 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, улар ишбилармонлиги билан ажралиб туради. Айниқса, деҳқончиликда яхши тажриба тўплаганки, натижада умумий майдони 73,5 гектардан иборат томорқалардан мўмай даромад олинаётир. Бунинг ҳисобига данғиллама уйлар қурилиб, тўйлар қилинмоқда.

Дарҳақиқат, маҳалладаги 54 та хонадонда иссиқхона барпо этилган бўлиб, бу ерда айни қиш мавсумида помидор, бодринг, лимон ва турли-туман кўкатлар барқ уриб ўсаяпти. Масалан, Шавкатилло Бобомуродов 16 сотихлик иссиқхонасида 120 туп лимон парваришлаётир. 2013 йилда 4,5 тонна ҳосил олиб, 50 миллион сўм даромад кўрди. Ўтган йилги фойдаси ҳам ундан кам бўлмади. Чунки лимон дарахтларининг барчаси ҳосилга кирган. Унинг қўшниси Азамат Авазов кўчатчилик билан шуғулланади. Акаси Алламурод Авазов эса турфа гуллар ва манзарали дарахт ниҳоллари етиштириш билан банд. Ака-ука тадбиркорларнинг кўчатларига бўлган эҳтиёж кун сайин ошмоқда. Улар томонидан етиштирилган ниҳоллардан янги иншоотлар, кўркам ўқув муассасалари ва корхоналар ҳовлисида ландшафт дизайни ёки мевали боғ-роғлар яратишда кенг фойдаланилмоқда.

Томорқа хўжалигининг ривожи унга билвосита алоқадор бўлган бошқа соҳалар истиқболига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, чекка ҳудудларда саноат корхоналарининг вужудга келиши, аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча шарт-шароитни яратаяпти. Хусусан, "Ёқутли боғ" МФЙда кейинги йилларда мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини сархил сақлайдиган омборхоналар барпо этилиб, фойдаланишга топширилаётир. Бу, ўз навбатида, томорқаларда етиштирилган ноз-неъматларни қиш ва баҳор фаслларида аҳолига сифатли етказиб беришда қўл келмоқда.

— Машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг сифатини бузмасдан сақлаш ҳам осон эмас, — дейди Алламурод Авазов. — Шу боис илгари етиштирилган ноз-неъматларни улгуржи сотиб юборар эдик. Натижада асосий фойдани олибсотарлар кўрарди. Энди-чи? Томорқа соҳибларининг аксариятида мева-сабзавот сақланадиган омборхоналар бор. Масалан, мен лимон сақланадиган мўъжазгина омборхона бунёд этганман. Унда қишин-ёзин мўътадил иқлим сақланиб тургани боис, ноябрь ойида узилган лимон меваси кўкламгача сархил сақланади.

Қувонарлиси, Сурхондарёда бундай маҳаллалар ниҳоятда кўп. Бу деҳқон хўжаликлари фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ аҳолиси манфаатлари муҳофаза қилинаётгани шарофатидир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёш оилаларга ғамхўрлик

*Учқудуқ туманида замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди.*

ЭЪТИБОР

Барча қулайликка эга ушбу хонадонларга Навоий конметаллургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармасининг ёш мутахассислари оилалари кўчиб кирди. Қизилқум саҳросида жойлашган ушбу шаҳарчада қад кўтарган мазкур иншоотни бунёд этиш учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

— Янги уй бизга жуда маъқул келди, — дейди хонадон бекаларидан бири Сарвиноз Рустамова. — Бу ерда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Фарзандларимизнинг ҳам қувончи чексиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эълонлар


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 20 майдаги 17-1307/3056-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Гоголь кўчаси, 19-уйда жойлашган, қурилиш майдони 1088,47 кв.м., фойдаланиш майдони 8135,74 кв.м.дан иборат бўлган таъмирталаб, Д литердаги устахона, Е литердаги омборхона, Е1 литердаги қоровулхона, И литердаги қозонхона, Л литердаги устахона, а литердаги иссиқхона, 100 п/м атроф қўрғон девори такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 353 528 053 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 29 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 27 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар АТ «Савдогарбанк»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават. Телефон: (0-374) 223-08-53. www.1kms.uz**

31R/17

Хизматлар лицензияланган.



**«ANDIJON MULK MARKAZI» МЧЖ**

**очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ танлов савдосига АТ «Қишлоқ қурилиш банк» Андижон минтақавий филиалининг 2015 йил 7 январдаги 16/01-сонли буюртманомасига асосан, қуйидаги корхона устав фондидаги улуши такроран қўйилмоқда:**

| Танловга қўйилган улуш | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) | Бошланғич баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| АТ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Andijon qishloq qurilish servis» МЧЖ устав фондидаги 100 (юз) фоиз банк улуши | Андижон вилояти, Асака тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, Файзиобод маҳалласи | 100 фоиз | 1 фоиз | 2 273 354 000 |

Такрорий очиқ танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Andijon mulk markazi» МЧЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг Андижон шаҳар АТ «Савдогарбанк»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20208000304941156002, МФО: 00081, СТИР: 302126734.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Andijon mulk markazi» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

**Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2015 йил 23 январь куни соат 18.00.**

**Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2015 йил 26 январь куни соат 12.00 да «Andijon mulk markazi» МЧЖ савдолар залида амалга оширилади. Шу куни сотилмаган тақдирда, такрорий танлов 2015 йил 9, 20 февраль кунлари бўлиб ўтади. 2015 йил 9 февраль куни соат 12.00 да бўлиб ўтадиган танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2015 йил 6 февраль куни соат 18.00 да тўхтатилади, 2015 йил 20 февраль куни соат 12.00 да бўлиб ўтадиган танлов таклифларини қабул қилиш 2015 йил 17 февраль куни соат 18.00 да тўхтатилади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.**

Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

**Очиқ танлов шартлари:**

— корхонанинг асосий фаолият турини ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;
— якка тартибдаги намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойлар учун имтиёзли нархларда ғишт етказиб бериш;
— мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ҳамда кенгайтириш;
— корхона иш фаолиятини модернизация қилиш учун қўшимча инвестиция киритиш режаси мавжудлиги;
— улуш бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш.

Танлов ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

**Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масала бўйича мурожаат учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават. Телефон: (0-374) 223-08-52. www.rmm.uz**

Гувоҳнома №00658.

28R/39



**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**

**мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 11 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Туткунда» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Армометалл» ҚК МЧЖ балансидаги асосий воситалар, ускуналар ва бино-иншоотлар мажмуаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 230 993 557 сўм.***

Ушбу кўчмас мулк савдоси 2015 йил 26 январь куни соат 11.00 да ўтказилади. Мазкур кўчмас мулк 2015 йил 26 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 9 февраль куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза, савдо ташкилотчисининг АТ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхасини тақдим этишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-365) 221-51-62.**

17R/9

Хизматлар лицензияланган.



**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**I.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган қуйидаги савдо дўконлари қўйилмоқда:

1. ***Бошланғич баҳоси 33 862 478 сўм*** бўлган 19-сонли савдо дўкони.
2. ***Бошланғич баҳоси 30 622 992 сўм*** бўлган 20-сонли савдо дўкони.
3. ***Бошланғич баҳоси 29 755 790 сўм*** бўлган 27-сонли савдо дўкони.
4. ***Бошланғич баҳоси 29 924 981 сўм*** бўлган 29-сонли савдо дўкони.
5. ***Бошланғич баҳоси 30 413 753 сўм*** бўлган 35-сонли савдо дўкони.
6. ***Бошланғич баҳоси 30 478 070 сўм*** бўлган 38-сонли савдо дўкони.
7. ***Бошланғич баҳоси 19 107 078 сўм*** бўлган 58-сонли савдо дўкони.
8. ***Бошланғич баҳоси 24 267 359 сўм*** бўлган 64-сонли савдо дўкони.
9. ***Бошланғич баҳоси 24 178 100 сўм*** бўлган 65-сонли савдо дўкони.
10. ***Бошланғич баҳоси 24 847 544 сўм*** бўлган 66-сонли савдо дўкони.
11. ***Бошланғич баҳоси 24 893 029 сўм*** бўлган 67-сонли савдо дўкони.
12. ***Бошланғич баҳоси 23 519 848 сўм*** бўлган 69-сонли савдо дўкони.
13. ***Бошланғич баҳоси 24 893 029 сўм*** бўлган 84-сонли савдо дўкони.
14. ***Бошланғич баҳоси 191 684 535 сўм*** бўлган 46-сонли савдо дўкони.
15. ***Бошланғич баҳоси 28 740 600 сўм*** бўлган 56-сонли савдо дўкони.
16. ***Бошланғич баҳоси 34 115 359 сўм*** бўлган 31-сонли савдо дўкони.

**II.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 6303/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

***1.*** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, Н. Ҳожибоев кўчаси, 6-уй, 3-хонадонда жойлашган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 44 863 703 сўм.***

***2.*** 2014 йил 25 апрелдаги 7445-46/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» ҚФЙ, Амир Темур кўчасида жойлашган, бино-иншоотларнинг умумий майдони 192,69 кв.м. бўлган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***

***3.*** 7450/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 19-уйда жойлашган, ҳужжат асосида ер участкасининг майдони 800,0 кв.м., амалда фойдаланилаётган майдон 865,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 118 513 693 сўм.***

***4.*** 7451/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 21-уйда жойлашган, ҳужжат асосида ер участкасининг майдони 800,0 кв.м., амалда фойдаланилаётган майдон 1040,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 156 153 110 сўм.***

***5.*** 10163/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» ҚФЙ, Мирзо Улуғбек кўчаси, 1-уйда жойлашган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 1 035 120 320 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 5 февраль куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

30R/24

Хизматлар лицензияланган.


ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италия миллий статистика институти (ISTAT) маълумотларига кўра, мамлакатда ишсизлик даражаси 13,4 фоизга етди. Бундай салбий кўрсаткич 1977 йилдан буён қайд этилмаганди.*

## Бандлик муаммоси

Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи жиддий муаммо бўлиб турибди. Чунки ҳозирги вақтга келиб уларнинг 43,9 фоизи иш жойига эга эмас.

Айтиб ўтиш жоизки, ўтган йил сўнгида Италия парламенти меҳнат бозорида қулай шарт-шароит яратишга қаратилган қонунни тасдиқлаган эди. Аммо маҳаллий касаба уюшмалари унда ёлланма ишчиларнинг манфаатларига салбий таъсир қилувчи чекловлар мавжудлигини айтиб, норозиликларини билдиришганди.

## Ишга 24 йил келмади

*Ҳиндистон ҳукумати департаменти 24 йилдан буён ўз иш жойига келмаётган ходимни лавозимидан озод этишга қарор қилди.*

Манбада айтилишича, меҳнат интизомини бузган шахс А. К. Варма бўлиб, у 1990 йилнинг декабрида таътилга чиққан эди. Лекин шу кўйи ишга қайтмаган. Варманинг дам олиш муддатини узайтириш ҳақида ёзган аризаси қаноатлантирилмаган бўлса-да, уни лавозимидан четлатиш негадир шу пайтгача ортга суриб келинган.

Ушбу ҳолат ходимнинг узоқ муддат ишга чиқмаслиги бўйича Ҳиндистондаги янги рекорд сифатида қайд этилиши мумкин. Чунки бундан аввал мамлакатдаги ўқитувчилардан бири 23 йил давомида мактабга келмагани аниқланган эди.

## Боғичи ўзи боғланадиган пойабзал

*Спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур "Nike" фирмаси яқин орада боғичи ўзи боғланадиган оёқ кийим (кроссовка)ларни сотувга чиқаришини маълум қилди.*




Худди шундай пойабзал дастлаб 1989 йилда тасвирга олинган фантастик жанрдаги "Келажакка қайтиб" фильмида акс эттирилган эди. Энди бу ҳақиқатга айланмоқда.

Янги турдаги оёқ кийимларнинг боғичи оғирликни ўлчовчи махсус қурилма ёрдамида ҳаракатга келади.

## Беш километрлик тилла занжир

*Бирлашган Араб Амирликларида узунлиги 5,52 километр бўлган тилла занжир тайёрланди.*

"The National" нашри хабарига қараганда, ушбу заргарлик буюмининг оғирлиги 256 килограмм бўлиб, қиймати қарийб олти миллион АҚШ долларига тенг. Уни яратиш учун 100 нафар мутахассис бир ярим ой меҳнат қилган.

Режага кўра, занжир Гиннеснинг рекордлар китобига киритилганидан сўнг қисмларга бўлиниб сотилади.

## Болалар учун «ақлли» каравот

*АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган "CES — 2015" халқаро кўргазмасида маҳаллий "Sleep Number" компанияси болаларга мўлжалланган "ақлли" каравотни намойиш қилди.*



У махсус мослама билан жиҳозланган бўлиб, боланинг уйқу пайтидаги юрак уриши ва нафас олиш маромини қайд этиб боради. Бу ота-оналар смартфонларига ўрнатилган дастур орқали фарзандлари қанчалик яхши ухлагани ҳақида ахборотга эга бўлишлари учун имкон яратади. Каравотнинг яна бир ўзига хос жиҳати, бола ўрнидан турса, дарҳол бу ҳақда огоҳлантириш хабари жўнатади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» ДК**

**таҳририятнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш бўйича танлов эълон қилади.**

Танловда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик ташкилотлар қатнашиши мумкин.

*Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар* ***2015 йил 2 февралгача*** *қабул қилинади.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел./факс: (0-371) 233-10-17. Тел.: (0-371) 236-01-87.**


Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Механизмлар назарияси ва машина деталлари кафедраси доценти Хушнуда Шарифходжаевага турмуш ўртоғи **Нусратилла АБДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

IPOTEKA BANK

*Президентимиз ташаббуси билан бундан 10 йил муқаддам ташкил этилган “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки ўтган давр мобайнида нафақат мамлакатимиз молиявий хизматлар бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаб олди, балки энг йирик универсал банклардан бирига айланди. Унинг кенг тармоқли хизмат кўрсатиш шохобчаларининг самарали фаолияти халқаро миқёсда ҳам эътироф этилгани буннинг тасдиғидир. Жумладан, “Ипотека-банк”ка “Moody‘s Investors Service” ҳамда “Standard&Poor‘s” халқаро рейтинг агентликларининг “Барқарор” прогнозли рейтинги берилди. Шунингдек, мазкур молия муассасаси “РИА Рейтинг” агентлиги томонидан эълон қилинган “МДҲ мамлакатларининг 200 та энг йирик тижорат банки рўйхати”га ҳам киритилди.*



# ЮҚОРИ ТАЖРИБА ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

## «Ипотека-банк»нинг молиявий хизматлар бозоридаги нуфузи янада ошишини таъминламоқда

Дарҳақиқат, ушбу банк уй-жой қурилишини молиялаштириш ва ипотека кредитлари ажратиш бўйича етарли тажриба орттирган молия муассасаси ҳисобланади. Айни пайтда унинг республикамиз барча ҳудудини қамраб олган 37 та филиали, 116 та минибанки, 510 дан ортиқ жамғарма ва коммунал кассаларида юридик ҳамда жисмоний шахсларга кенг турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Натижада 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг устав капитали 181,5 млрд. сўмга, кредит портфели 2,5 трлн. сўмга етгани ҳолда, депозит базаси қарийб 1,8 трлн. сўмни, аҳоли омонатлари эса 473,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, банк жамоаси пластик карточкалар бозорида ҳам пешқадамликни сақлаб келмоқда. Нақд пулсиз тўлов шаклида кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, унинг жозибадор ва янги турларини ишлаб чиқиш, инфратузилмани ривожлантириш борасида кўрилаётган изчил чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг 1 январига келиб, банкнинг муомаладаги пластик карточкалари сони 1 миллион 234 мингтадан ортди. Ўз навбатида, савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 17490 тага етказилиб, улар орқали “он-лайн” карточкаларидан ҳам тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилди.

Юртимиз шаҳарларию қишлоқларида кўркам тураржойлар, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш, ҳудудларни янада ободонлаштириш жараёнида, айниқса, “Ипотека-банк” ўзининг молиявий хизматлари билан фаол қатнашаётгани бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириш, юртдошларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш имконини бераяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида 47 та кўп қаватли уй қурилиши молиялаштирилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу мақсадларга 169,5 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари йўналтирилгани туфайли бугунги кунга қадар 480 хонадонли 13 та тураржой фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳридаги 26 хонадонли, Урганч шаҳридаги 116 хонадонли, Самарқанд шаҳридаги 100 хонадонли, Фарғона шаҳридаги 12 хонадонли, Нукус шаҳридаги 88 хонадонли биттадан, Бухоро шаҳридаги 96 хонадонли иккита, Қарши шаҳридаги 42 хонадонли шунча уй-жой шулар жумласидандир. Қолганларини ҳам белгиланган муддатда ўз эгаларига топшириш мақсадида қурилиш ишлари жадал давом эттирилаяпти.

Шу билан бирга, банк сармоялари ҳисобидан ёш оилаларга мўлжалланган 368 хонадонли 7 та “Камолот” уйи қурилиши молиялаштирилмоқда. Улар Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманлари, Бухоро вилоятининг Бухоро, Когон шаҳарлари ҳамда Ғиждувон тумани, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бунёд этилади. Айни пайтгача эса Андижон шаҳридаги 48 хонадонли уй-жой ўз соҳибларига тайёр ҳолда топширилди. Мазкур тураржойлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юқори натижаларга эришган ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредити асосида берилгани алоҳида эътиборга моликдир.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши, маиший шароитини яхшилаб олишини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам банк томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим омил бўлаётир. Унга кўра, ўтган йилда банк филиаллари томонидан қарийб 1700 дан ортиқ оилага 160,4 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Шундан 27,3 млрд. сўми янги қурилган кўп қаватли тураржой биноларидаги хонадонларни сотиб олиш учун йўналтирилди. Бу — 275 та оила барча қулайлик муҳайё этилган тураржойга эга бўлди, деганидир.

Бундан ташқари, Соғлом бола йилида махсус Давлат дастури доирасида 450 та ёш оилага умумий қиймати 41,9 млрд. сўмлик ипотека кредити берилди. Зотан, соғлом бола тинч ва фаровон оиланинг маҳсули бўлиб, юртимиз шаҳарларию қишлоқларини обод қилиш замирида ана шу эзгу мақсад — оилавий бахт, мустаҳкам оилаларни барпо этиш мужассамдир.

Айтиш жоизки, “Ипотека-банк” шаҳар ҳудудларида кўп қаватли тураржойлар қуриш билан бирга, 2013 йилдан эътиборан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қуриш дастурлари ижросида ҳам фаол қатнашмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 15 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида”ги қарорига биноан, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда муайян ишлар бажарилгани ана шундан далолат беради. Масалан, биргина 2014 йилда 16 та тумандаги 44 та массивда намунавий лойиҳалар асосида жами 1000 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши молиялаштирилди. 2015 йилда эса мазкур йўналишдаги ишлар ҳажмини кенгайтиришни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олган банк жамоаси 2144 та уй-жой бўйича 96,5 млрд. сўм миқдорида бошланғич бадалларни шакллантириш пайидан бўлаётгани қувонарлидир.

Маълумки, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етакчи куч сифатида шаклланиб бормоқда. Шу боис ушбу соҳани янада тараққий эттиришга иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилаётир. Пировардида кичик бизнес субъектлари сони кун сайин кўпайиб, уларнинг юртимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳам, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ҳиссаси ҳам салмоқли бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, банкларнинг уларга кўрсатилаётган хизматлар тури ва ҳажмини кенгайтиришини тақозо қилади. Буни яхши англаган банк жамоаси эса ўтган йили тадбиркорларга қарийб 662,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратгани айни муддао бўлди.



Ишбилармонлар орасида “Ипотека-банк”нинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантириш учун йўналтириладиган микрокредитларига талаб, айниқса, катта. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, умумий ҳажми қарийб 161,5 млрд. сўмлик микрокредитлар берилганининг боиси ана шунда. Бунинг эвазига 15730 тага яқин иш ўринлари яратилди.

Ажратилган маблағлар таркибига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг хилма-хиллиги, яъни иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барча жабҳаси қамраб олингани кўзга яққол ташланади. Мисол учун, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 75 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 96,7 млрд. сўм, ноозиқ-овқат товарлари тайёрлаш учун 162,3 млрд. сўм, сервис соҳасини ривожлантиришга эса 107,6 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Қолаверса, аҳолининг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқариш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 15,5 млрд. сўм, ёш оилаларга ўз бизнесларини ташкил қилиши учун 10,7 млрд. сўм, оилавий корхоналар ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантиришга эса 8,2 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қайд этилганидек, “...Ўзбекистонда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар нафақат маблағ сарфлаб, даромад олмоқда, балки корхоналарни биргаликда бошқармоқда, хорижлик муассислар қўшма корхонага, аввало, илғор технологияларни олиб кирмоқда, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий қилмоқда”. Иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этишда эса банкларнинг капиталлашув даражаси, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ҳукумат томонидан бу борада изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани хорижий ҳамда маҳаллий сармоядорларни тобора руҳлантирмоқда. Бу, ўз навбатида, тижорат банкларини ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида фаол қатнашишга даъват этаяпти. Пировардида рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган йирик инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли рўёбга чиқарилмоқда.

Инвестиция дастури доирасида, шунингдек, “Ипотека-банк” иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тадбирларига сармоя йўналтириб, саноат корхоналари фаолиятининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. 2014 йилда мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, 624,1 млрд. сўмлик инвестициявий характерга эга бўлган кредитлар ажратилганини айтиш кифоя.

2014 йилги Инвестиция дастурига банкнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинати, “Ўзметкомбинат” каби асосий мижозларининг умумий қиймати 959,6 млн. АҚШ долларилик 22 та лойиҳаси киритилган эди. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 845,6 млн. АҚШ долларилик 14 та лойиҳасидан 11 тасини молиялаштириш кўзда тутилган бўлса, банк томонидан уларнинг ижросига 252,6 млн. АҚШ долларилик кредитлар йўналтирилди. Бунинг эвазига ўтган йилнинг ўзида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг “Жиззах вилоятида портланд цемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш” ҳамда “Ангрен” махсус индустриал зонасида турли диаметрдаги мис қувурлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинди.

Шундай йирик лойиҳалардан яна бири “Ўзбекистон металлургия комбинати”га тегишлидир. Банк томонидан ушбу комбинатнинг “Базальт асосида иссиқлик сақлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасига 10,4 млн. АҚШ долларилик кредит линияси йўналтирилиши туфайли у ўтган йилнинг охирида фойдаланишга топширилди.

Мухтасар айтганда, “Ипотека-банк” томонидан юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳар бир лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилининг амалий ифодасидир. Натижада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари тобора кенгайиб, озиқ-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил оширилаяпти.

***«Ипотека-банк» материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.***

**ЭЪТИРОФ**

## Ютуқларимизнинг бош омили

— Пухта ишланган бизнес-режа тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун асос бўлса, сармоя унинг ҳаракатлантирувчи кучи саналади. Мамлакатимизда ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳалари ижроси таъминланаётган экан, бу, энг аввало, молия муассасалари томонидан тақдим этилаётган сифатли банк хизматлари, хусусан, имтиёзли шартларда ажратилаётган кредит маблағлари шарофатидандир.

Ўзимдан қиёс: тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйиш учун молиявий кўмакка эҳтиёж сезиб, “Ипотека-банк”нинг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилган эдик. Бизнес-режамиз банк ходимлари томонидан маъқулланиб, 210 миллион сўмлик имтиёзли кредит қисқа муддатда ажратиб берилди. Шунинг 180 миллион сўмига етти турдаги замонавий ускуналар харид қилган бўлсак, 30 миллион сўмини хом ашё таъминоти учун сарфладик.

Ҳозирги кунда мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлаш, ёғоч материалларини қайта ишлаш билан шуғулланаяпмиз. Ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида ташкил этганимиз натижасида ўтган йилнинг ўзида 180 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот харидорларга етказиб берилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритаяпмиз.

Корхонамизда 22 киши иш билан банд. Уларнинг 8 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Келгусида жамиятимиз фаолиятини янада кенгайтириб, маҳсулот турини кўпайтиришни режалаштирганмиз. Албатта, ушбу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда доимий ҳамкоримиз — “Ипотека-банк”нинг молиявий кўмагига таянамиз.

**Яйра РАҲИМОВА,**
**Қарши шаҳридаги**
**«Express comfort mebel» МЧЖ раҳбари.**

## Хайрли ишларнинг мададкори

— Хоразмда Боғот боғлари мевасининг мазаси азалдан маълуму машҳур. Бугунги кунда туманимизда боғдорчилик билан бир қаторда, полиз экинлари етиштириш, сабзавотчилик ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳар йили фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида тонналаб мева-чева, қовун, тарвуз етиштирилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Шундан келиб чиқиб, “Ипотека-банк”нинг молиявий кўмагида 2013 йили 500 тонналик сиғимга эга бўлган замонавий музлаткич омборхонасини ишга туширдик.

Дастлабки йилиёқ ана шу музлаткичда 2,1 миллиард сўмликдан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари сифатли ҳолда сақланиб, аҳолига қиш ва баҳор ойларида сархиллигича ҳамда арзон нархларда етказиб берилди. Хизматимизга бўлган талабнинг ошиши туфайли фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришга қарор қилдик. Сиғими 1000 тонналик музлаткич барпо этиш, мева-сабзавот маҳсулотлари учун хориждан пластмасса қутиларини ишлаб чиқарувчи технологик ускуналарни келтириб ўрнатиш, шунингдек, “Isuzu” русумли юк ташиш автомашинаси сотиб олиш учун зарур бўлган бир миллиард 241,6 миллион сўмлик кредит эса яна “Ипотека-банк” томонидан ажратилди. Натижада янги лойиҳамиз мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида рўёбга чиқиб, 12 киши иш ўрнига эга бўлди.

Бундай хайрли ишларнинг мададкори бўлган “Ипотека-банк” жамоасидан миннатдормиз.

**Бахтиёр МАТЁҚУБОВ,**
**«Бахт — ҳаракат меваси»**
**МЧЖ раҳбари.**



Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 074 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5